

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2022-YIL 22-APREL, JUMA № 16 (1384)



**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида италиялик олим, профессор Пьетро Жузеппе Френинг "Числа, книги и бесконечность" номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

## ТАҚДИМОТ

# БУЮК ВАТАНДОШИМИЗГА ЭҲТИРОМ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Математика институти, Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори, профессор Бахром Абдуҳалимов тадбирни очиб берди. Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Агостино Пинна сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ҳақида гапирди.

Шундан сўнг китоб муаллифи, профессор Пьетро Жузеппе Фре сўз олиб, китоби юзасидан йиғилганларга қимматли маълумотлар берди. Мазкур китоб математика тарихи ҳақида бўлиб, унда математика мисоли бир кемага қисланади. Ушбу кема эса йиллар уммонида саёҳат қилиб, соҳада етакчи бўлган шахсиятлар билан китобхонни

таништириб боради. Унда Платондан тортиб, Герман Вейлгача бўлган математиклар ҳақида ҳикоя қилинади.

Этиборли жиҳати шундаки, китобнинг тўртинчи боби улғу ватандошимиз, буюк қомусий аллома, алгебра фанининг асосчиси Муҳаммад Хоразмийга бағишланган. Унда алломанинг ҳаёт йўли, фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар берилди.

Тадбир ЎзР ФА Математика институти академиклари Шавкат Аюпов ҳамда Абдулла Аъзамовнинг маъ-

рузалари билан давом этди. Тақдимот якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга китоб муаллифидан жавоблар олишди.

Шундай тақдимот 21 апрель кун Муҳаммад Хоразмий туғилган заминда ҳам бўлиб ўтди. ЎзР ФА Хоразм Маъмун академияси, Урганч давлат университети ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигидаги мазкур тадбир Урганч давлат университетиде ташкил этилди.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

### Семинар

## Янги таҳрирдаги йўл ҳаракати қоидалари муҳокама қилинди

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати йиғилишлари залида янги таҳрирдаги йўл ҳаракати қоидалари муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходимлари, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳамда партиянинг ҳудудий, маҳаллий кенгашлар ходимлари, депутатлари ва партия фаоллари ҳамда ОАВлари вакиллари иштирок этган мазкур тадбир Президент Ш.Мирзиёевнинг йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўтказган видеоселектордан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда янги таҳрирдаги йўл ҳаракати қоидаларида кўзда тутилган меъёрларни атрофлича ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланди.

### Фракция йиғилиши

## Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги оширилмоқда

Юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар асосида ривожланиш янада жадаллашиб бормоқда. Бундай таракқиёт учун, албатта, давлат томонидан белгиланган дастур ва режаларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиши зарур.

### Машҳурларнинг аёллари



## "ҲАР ДОИМ ИККИ ҚАДАМ ОРТДА ЮРГАНМАН..."


театрида ўз ўрнига, ҳурматига эга бўлишида сеvimли рафикаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, элимизнинг сеvimли хонандаси, халқимиз ардоғидаги санъаткор Тожибар Азизовнинг хиссаси катта. Ўз навбатида хонанданинг сермахсул ижод қилиб, мухлислар ҳурматиға сазовор бўлишида, хизмат кўрсатган артист даражасига етишида турмуш ўртоғининг салмоқли улуши борлиги шубҳасиз. Тожибар АЗИЗОВА билан бўлган суҳбатимиз шулар тўғрисида, гўзал жуфтликнинг умр йўллари, ибратли турмуш тарзи ҳақида...

## ЎЗБЕКИСТОНДА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ: кеча, бугун, эртага

## ИЛМЛИ ҒОФИЛ БЎЛМАС

Ўзбек киноси ва театри ривожига салмоқли ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов Наманган вилоятининг Чуст туманида, ўз даврининг етук ҳофиз оиласида ўсиб улғайди, камолга етди. Оиласидаги мухит туфайли санъатга бўлган кизиқиши уни Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига етаклади. Мирза Азизов бутун маҳоратини, айтиш мумкинки, ҳаётини санъатга бахшида қилди. "Юсуф ва Зулайхо", "Фарҳод ва Ширин", "Нодирабегим", "Алпомишнинг қайтиши" каби спектакллардаги ижролари, "Остона", "Муҳаббат синовлари", "Тубанлик", "Муҳаббатимсан" каби бадиий фильмларда яратган образлари томошабинлар муҳаббатини қозонди. Актёр қаерда ва қандай шароитда яшамасин ва ишламасин, ҳаммаша куюнчаклиги, камтарлиги, саховатлиги, тўғрисиқлиги, энг муҳими, адолатлилиги билан жамоадолшлари ва яқинларининг муҳаббатини қозонди.

Мирза Азизов қандай роль ижро этмасин, бутун вужуди, истеъдоди ва маҳорати билан ўша образни тўла талқин этди ва ўзидан ўчмас ном қолдирди. Актёрнинг ўзбек киноси ва



Этибор берсангиз, бирорта рекламада аниқ бир дардни даволаймиз, "мана шу дори воситаси мана бу дардга шифо бўлади", "сиз шу касалликдан тузала-сиз" деган сўзни ишлатилмайди, аниқ ваъдалар берилмайди. Хўш, ушбу вазиятга қандай ечим топиш мумкин? Муаммонинг ечими борми?



Янги тахрирдаги

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

1 Тадбирни "Адолат" СДП раиси уринбосари Абдуқамол Раҳмонов кириш сўзи билан очиб, ҳаётимизнинг ажралмас, узвий қисмига айланган улгурган йўл ҳаракати қоидалари тўғрисида тўхталиб ва бу борада амалга оширилаётган ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунларнинг барчаси, энг аввало, халқимиз ва жамиятимизнинг тинчлиги, саломатлиги ва ҳаётияти учун хизмат қилиши ҳақида гапириб ўтди.

Шунингдек, тадбир давомида сўз олган Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходими Қаҳрамон Худойбергенов йўл ҳаракати қоидаларига бепсанд

муносабатда бўлаётган айрим фуқаролар томонидан содир этилаётган авариялар, бепарволик, қонунларга амал қилмаслик ортдан оламдан бевақт кўз юмаётган инсонлар, муносабатда қолаётган оилалар тўғрисида гапириб, барчани бирдек йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишга чақирди.

Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар тарихида ўтган тадбир сўнгида бундай семинар тренинглари мунтазам равишда ўтказиб боришга келишиб олинди.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

Семинар

Тамакисиз келажак сари

Ўзбекистон журналистларини қайта тайёрлаш маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Аҳолининг соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаоллигини оширишни қўллаб-қувватлаш маркази ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамкорлигида «Тамакисиз келажак сари!» мавзусида семинар-машғулот ташкил этилди. Тадбирда «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати ходимлари ҳам иштирок этди.

Маълумки, 2021 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, айни пайтда ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан кўриб чиқилмоқда.

Қонуннинг амалиётга киритилиши мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига дахлдор. Зеро, маъмур қонун аҳоли ўртасида

тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши даражасини камайтириш, ёшларимизни «инновацион» тамаки ва никотин маҳсулотлари истеъмол қилишдан сақлаш, бевақт ўлимни камайтириш, миллат генфондини ҳимоя қилиш имконини беради. Ўз навбатида ушбу ғоялар «Адолат» СДПнинг «Саломатлик йўлида бирлашайлик» лойиҳасида ва кўплаб устувор мақсадларида ҳам ўз аксини топган. Партия электратининг аксар қисмини соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари ташкил этгани боис, ушбу

тазимда кўплаб ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Семинар-машғулот давомида иштирокчиларга Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар аҳолиси ўртасида тамаки истеъмол қилиш буйича вазият, чакана савдо, умумий овқатланиш ва хизматлар кўрсатиш объектларида тамаки маҳсулотларини сотиш соҳасида самарали жамоат назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Тадбирнинг амалий қисмида ахборот манбаларини излаш, ишончли материалларни тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Семинар-машғулот сўнгида журналистлар, мухбирлар ва блогерлар ўртасида ОАВдаги энг яхши мақолалар ва кўрсатувлар туркуми учун танлов эълон қилинди. Танлов натижалари 2022 йил ноябрда эълон қилинади.

Мехринисо БОБОНАЗАРОВА, «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

ХАРАЖАТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛМОҚДА

1 "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларга қаратилиб, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг 2022 йил I чорагида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди. Унда Дастурда белгиланган вазифаларни бажаришда ҳукумат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2022 йилги Давлат дастури 7 та устувор йўналиш буйича 100 та мақсад ва 398 та банддан иборат бўлиб, уларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 318 та қонун, фармон ва қарорлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган. Давлат дастурида белгиланган вазифалар қўлама ҳамда топшириқлар сонидан келиб чиқиб, шунингдек, унинг бажарилишини чуқур таҳлил қилиш ҳамда ижросини таъминлаш ишларини тўғри ташкил қилиш мақсадида Давлат дастурининг 398 та банди топшириқлар кесимида 607 та яхлит ва кичик бандларга тақсимланган ҳолда таҳлил қилинди.

2022 йилнинг I чорагида 59 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 та ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг 7 та қарорлари, 4 та идоравий ҳужжатлар ва 36 та бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Йиғилишда Давлат дастури ижросининг сифатли бажарилишига Вазирлар Маҳкамаси алоҳида эътибор қаратиб келаяти ва ҳар ойда Давлат дастури бандларининг ижросини



таҳлил қилиш ҳамда танқидий муҳокама қилиб бориш тартиби жорий этилганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул этиб белгиланган вазирлик ва идоралар раҳбарларининг белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилганлиги депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Фракция аъзолари бажарилиш мuddатлари кечикаётган бандларга алоҳида эътибор қаратишди.

Хусусан, Давлат дастурининг жами 607 та яхлит ва кичик бандларида назарда тутилган топшириқлардан 87 тасининг ижро мuddати 2022 йилнинг I чораги этиб белгиланган. Шундан 64 та банд ва кичик бандлар тўлиқ бажарилиб, 6 тасининг ижро мuddати давлатимиз раҳбарининг топшириқларига асосан узайтирилди, 16 тасининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясида, 1 таси эса Олий Мажлис Сенатида кўриб чиқилаётганлиги ҳақида ахборот берилди.

Адолат ва қонун устуворлиги таъминлашнинг тараққийнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фао-

лияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида жорий йилнинг 24 февралда Олий суд, Судьялар олий кенгаши ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Йўл харитаси» тасдиқланганлиги таъкидланди.

Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсish суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар (1750 доллардан 2800 долларга) ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон қарори қабул қилинди.

Маъмур қарор билан 2022 йилда Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий назорат фаолиятини такомиллаштириш буйича «йўл харитаси» тас-

дикланди. Унга кўра, ажратилган субсидия ва эришилган натижалар тўғрисидаги маълумотларни очик эълон қилиш тартиби, бюджет қонунчилиги бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлат дастуридаги таълим ва тиббиёт йўналишларида амалга оширилаётган бандлар буйича депутатлар томонидан бир қатор таклифлар берилди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини самарали ташкил этиш, шунингдек, экилаётган кўчатларни парваришлаш ва сугориш тизимини назорат қилиш буйича ҳам фракция аъзолари томонидан таклифлар илгари сурилди. Бу борада ҳамкорликда фаолият олиб бориш ва назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил биринчи чорагида бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи фракция томонидан маъқулланди.

Миршод ҚўЛДОШЕВ, "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати ижтимоий тармоқлар билан ишлаш бўлими бошлиғи



РЕКЛАМА ҚИЛИНАЁТГАН



ДОРИЛАРНИНГ ТАЪСИРИГА ИШОНАСИСИЗМИ?

ДЕПУТАТ минбари

Реклама бугун кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлагига айланиб улгурдики, кўча-кўйда, жамоат транспортада, онла даврасида телевизор кўриб ўтирганда ҳам, албатта, қандайдир дори воситалари, биологик фаол қўшимчалар ва халқ таъбиоти йўли билан даволаш ҳақидаги рекламаларга кўзимиз тушади.

Бундай рекламалар нафақат телевизор, радио, матбуотда, балки ижтимоий тармоқларда ҳам сизни таъбиқ этади. Тўғри, телевидениенинг асосий даромад манбаи реклама эканлиги тушуниш мумкин. Лекин одамнинг ҳафсаласини пир қиладиган ҳолатлар кўп учраб туради. Шу боис, кўп сонли фуқароларнинг эътирозларидан кейин айнан телевиденидаги рекламаларни кузатиб, таҳлил қилиб кўрдим.

Урганишларим давомида ОАВларда берилган рекламаларнинг 50 фоиздан ортиғи айнан дори воситаси, биологик фаол қўшимча ёки бирор-бир халқ таъбиоти билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Агар рекламаларни кўрсангиз, сизда биргина дори воситаси ёки биологик фаол қўшимча инсонда оғриқларни, асаб тарангликларини ва ўнлаб дардларни даволаш эканда, деган тасаввур уйғонади.

Реклама берувчилар ҳам анойи эмас, улар фойдаланаётган сўзларни ҳам таҳлил қилиб кўрдик. Дори воситалари ёки биологик фаол қўшимчалар рекламасида кўплаб дардлар санаб ўтилиб, охирида шу касалликларни даволашда ёрдам беради, дейилади. Халқ таъбиоти вакиллари эса «бизга келсангиз ўзингизни енгил ҳис қиласиз», дейишади.

Лекин истеъмолчи дори воситаси, биологик фаол қўшимча ёки халқ таъбиоти билан боғлиқ реклама берувчига «мана, мен шуларни

истеъмол қилдим ёки даволаш процедураларини ўтказдинглар, дардимга шифо бўлмади-ку», дея эътироз билдирса, уларни жавобгарликка тортиб бўлмайди. Чунки рекламада фақатгина «даволашда ёрдам беради», «ўзингизни енгил ҳис қиласиз», деганга ўхшаш умумий ваъдалар берилган.

Эътибор берсангиз, бирорта рекламада аниқ бир дардни даволаймиз, «мана шу дори воситаси мана бу даргда шифо бўлади», «сиз шу касалликдан тузаласиз» деган сўзни ишлатилмайди, аниқ ваъдалар берилмайди.

Ҳўш, ушбу вазиятга қандай ечим топиш мумкин? Муаммонинг ечими борми?

Ўзбекистон тараққийнинг янги босқичида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида кўрилатганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Бу масалага шахсан давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, март ойи охирида бу борада видеоселектор ўтказиб, қатор вазифаларни белгилаб берди. Бугун ҳукумат томонидан аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида берилган топшириқлар асосида жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.



Шухрат ПОЛВОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасари раиси уринбосари

ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Шу маънода, «Адолат» СДП фракцияси маҳсулотларни сертификатлаш жараёни, халқ таъбиоти билан боғлиқ хизматларни лицензиялаш масалаларини парламент сўрови даражасига олиб чиқиш керак, деб ҳисоблайди.

Бир сўз билан айтганда, саломатликни моддий бойлик ва маблағ эвазига сотиб олиб бўлмайди. Мустаҳкам саломатликка эга инсонгина ўзини бахтли ҳис қилади. Шу нуқтаи назардан, фракцияимиз аъзолари дориларнинг шифокор рецепти асосида берилишини йўлга қўйиш ҳамда дори рекламасини чеклаш лозим, деб ҳисоблайди.

# ЎЗБЕКИСТОНДА СЎЗ

# ЭРКИНЛИГИ:

# кеча, бугун, эртага

Биз кейинги пайтларда матбуот ва ОАВни ривожлантириш, унинг эркинлигини таъминлаш ҳақида кўп гапиряёмиз. Бу бежиз эмас. Чунки матбуот ва сўз эркинлиги демократик ривожланишнинг ва фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий шартларидан биридир.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда давлат ва нодавлат нашрлари учун бир хил шарт-шароитлар яратилган. Сўз эркинлиги тўлиқ таъминланган. Журналистлар учун ҳеч қандай гов, тўсиқ, таъқиқ йўқ. Бир сўз билан айтганда, ахборот майдонида ҳалол рақобат муҳити шаклланиган. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги – демократиянинг қон айланиш тизимидир, эркинликсиз бу тушунчалар фаолият кўрсата олмайди.

Собиқ шўро тузуми даврида Ўзбекистонда даврий матбуот тармоғи республика, вилоят ва туман миқёсда чиқадиغان умумийсиёсий ва тармоқ газеталари, шунингдек, янги журналлар ҳисобига кенгайди. Айни пайтда радиожурналистика ва тележурналистика ҳам тарихи топди. Лекин булар мустақил тузум кўзлаган сиёсий, иқтисодий ва маффуравий мақсадларга хизмат қилишга маҳдум эди.

1991 йилдан то 2016 йилгача гарчи матбуот ва ОАВни "тўртинчи ҳокимият" дея кўқларга кўтарган бўлсада, эҳтиёткорлик нуқтаи назаридан матбуот фаолияти бироз чекланди. Матбуотда танқидий чиқишлар камайиб кетди. Матбуот ва ОАВ мадҳиячилик билан ўралашиб қолди. Ваҳоланки, бунинг тинимсиз қораланаётган шўро даврида ҳам матбуот ўз мавқеига эга бўлган. Матбуот таъсирида ҳатто ҳукумат ўз қарорларини бекор қилган пайтлар бўлган.

Фуқаролик жамияти қуришдаги энг асосий омили сўз эркинлигидир. Сўз эркинлиги мавжуд давлатлардагина халқ жамиятини ташкил этади ва бу жамият барча жаҳонларни бошқаради. Шунинг учун мустақилликнинг 25 йилги мубайнида Ўзбек матбуотида сиёсий фаоллик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Аслида эса матбуот маълум маънода ҳукуматга муҳолифатда бўлиши лозим.

Сўз ва фикр эркинлашса, юрт ривожланади, фаровонлашади ва ҳамма рози бўлган барқарор ўлкага айланади, норозиликлар келиб чиқмайди, чунки норозиликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган муаммолар ҳақида гапирилади ва ечилади. Фикр ривожланган юрт тараққи қилади, фикр бўғилган юрт парокандаликка, қолоқликка юз тутари. Мана, сўз эркинлиги, фикр эркинлиги нега керак!

Буни яхши англаган Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келган дастлабки кунлардан сўз эркинлигига бирламчи эътибор қаратди. Матбуот эркинлашди. Ш.Мирзиёев бошқарувидаги илк 4 йилда виртуал воқелида миллионлаб аудитория йўга олган мустақил интернет нашрлари шаклланди. Ижтимоий тармоқларда, аудиторияси айрим интернет нашрлариникидан ҳам каттароқ бўлган блогерлар жамоаси пайдо бўлди.

Бугун ОАВ жамиятдаги муаммоларни кўтариб чиқиш, одамларнинг ижтимоий ва сиёсий оғнини юксалтириш, фаоллаштириш, фикрлаш, танқид ва таҳлил қилиш салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи воситага айланди. Қолаверса, матбуот жамиятининг юзи, ойнаси демакдир.

Президентимиз Янги Ўзбекистоннинг янги ҳаётини янги йўналишларини ҳаётини мисоллар ва далил-исботлар билан асослаб, таҳлил қилиб, изоҳлаб берар экан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлигини ҳамда ошқоралиқни энг муҳим устувор йўналиш сифатида алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу нуқтаи назардан, мулк шакли, адади, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, матбуот нашрлари ва электрон ОАВга мамлакатимиз ахборот майдонидида эҳтиёж бор. ОАВ – бугун ҳақиқий халқ овози, тўртинчи ҳокимиятга айланиб бормоқда. Балки ҳали бу соҳаларда катта марраларга эришганимиз йўқдир, лекин эришган ютуқларни асло инкор этиш мумкин эмас.

Янги Ўзбекистоннинг шуҳрати кун сайин ортиб бормоқда. Жаҳон афқор омаси мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, иқтисодий ютуқларни алоҳида эътироф этишмоқда. Ўзбекистон халқ ва ОАВ билан тўғридан-тўғри, шаффоф мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг фуқаролик ва жамоатчилик фаоллигини кўллаб-қувватлаш борасида ортага қайтмайдики сивасат олиб бормоқда. Нодавлат ташкилотлари инсон ҳуқуқларига оид ҳар қандай нозик масалани миллий ва глобал даражада очиб ва эркин муҳокама қилмоқда. Янги Ўзбекистонда фуқароларимиз интернет орқали ўз фикрларини эркин билдирмоқда. Албатта,

улар орасида танқидий фикрлар ҳам бор, бундай фикрлар ҳар бир жамиятда бор ва бўлиши ҳам керак. Оммавий ахборот воситалари, блогерлар томонидан билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларни эса давлат органлари таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чораларини кўришга интиломоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳам "Матбуот кимгадир аччиқ гапирса, ёқиши ёки ёқмаслиги ҳам мумкин. Бироқ биз бу йўлдан қайтмаймиз", дея таъкидлаган эди. Илгари ҳукуматга қарши чиқишлари тўғрисида таъқиқга ўраган ва чет мамлакатларга чиқиб кетишга мажбур бўлган бир қатор журналистлар тўла оқланди. Улар айни пайтда ўз фаолиятини мамлакатда бемалол олиб бормоқда. Ҳозирги кунда танқидий фикр ва қарашларни "бўғиш" у ёқда турсин, аксинча, танқид ва сатираларча иш бўлган "Муштум" журнали қайта тикланишининг ўзиёқ Янги Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш стратегик вазифа сифатида белгилаб қўйилган далолатдир.

Бизнингча, матбуот ва ОАВда турли вазирлик ва идоралар ахборот ёки матбуот котибларининг ўз соҳаси бўйича чиқишлари етишмайпти. Агар улар тез-тез кўриши бериб турса, мамлакатимизда сўз эркинлиги ва очиклик сивасатининг мустаҳкамланишига хизмат қилган бўларди.

Оммавий ахборот воситаларимизни кузатиб борар эканмиз, ўзбек матбуоти бугун ҳақиқ ва лоқайдликни ортада қолдириб, фаол позицияни эгаллаётганини ишонч билан айта оламиз. Буни кўрмаслик, сез-

уларни, албатта, ечиш керак. Юртимизда номдор газеталардан тортиб, прокуратура ва суд, маҳаллий ҳокимлик органлари, турли вазирлик ва кўмиталар, сиёсий партиялару турли уюшмалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва ҳоказолар муассислигидаги газета-журналлар узоқ йиллардан бери нашр этилади. Аммо сўнгги йилларда муассислар ўз нашрларига етарли эътибор бермай қўягани бор гап. Таъкидлаш керакки, аввало, ҳар бир нашр — муассиснинг минбари. Буни муассислар жуда яхши англайдилар ва бу минбардан истаганча фойдаланадилар. Моддий ва маънавий кўмакка келганда эса панжа орасидан қарайдилар. Акси бўлганида, юз минглаб аъзоларига эга бўлган сиёсий партияларнинг нашрлари ва бошқа йирик муассислари бўлган газеталар 2-3 минг нусхада чиқмасди. Газеталаримизнинг ҳар бири камида 100 минг нусхада чиқишига эришмасак, кўзлаган мақсадга етишиш қийин бўлади.

Матбуот жамиятнинг юзи экан, соҳанинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш зарур. Биринчидан, бугун айниқса, газеталарни субсидия билан таъминлаш зарур. Матбуот бугунги Ўзбекистон учун ҳар қачонгидан ҳам зарур. Шу боис, унга бўлган муносабат, матбуот билан ишлаш шакллари ва механизмлари тўғрисида алоҳида таҳлил қилиниши шарт. Энг аввало, ҳукумат, партиялар, вазирлик ва ташкилотлар, ҳокимликлар газеталари аҳолига бепул тарқатилиши лозим. Чунки бу нашрлар ўз муассисининг тарғибот воситаси ҳисобланади. Қолаверса, газета чоп этиш харажатлари муассисни жуда қийин аҳволга ҳам солиб қўймайди. Бунинг учун бюджетдан алоҳида маблағ ажратилса, вақти келиб бу маблағлар нафақат ўзини оқлайди, балки иқтисодий жиҳатдан фойда келтириши ҳам бошлайди. Чунки газетга тегишли бевулчилик кўпаяди.

Ҳўш, сўз эркинлиги эртага қандай бўлмоғи керак? Матбуот ва ОАВ ўрни ҳақида сўз борар экан, бу ўринда гап қандайдир

дан миллий матбуот юрдошларимизни давлат қурилиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёндаридан хабардор қилиш билан бирга Ўзбекистон манфаати ҳар биримиз учун бирламчи эканини доимо англаб туривчи асосий восита бўлиши керак. Шу ўринда, беихтиёр Америка давлатининг асосчиларидан бири, АҚШнинг учинчи президенти Томас Жефферсоннинг "Эркин газетасиз (матбуот) ҳукуматдан ҳукуматсиз матбуот афзал" деб айтган сўзлари ёдга тушади. Чиндан ҳам жамиятда аҳолига ҳолис ахборот етказилишида, баҳс-мунозара ва фикрлар хилма-хиллиги орқали ҳақиқатни юзага чиқаришда эркин матбуотнинг ўрни бекиёсдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда матбуот эркинлигини таъминлаш соҳасида инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди ва бу жараён изчиллик билан давом этмоқда. Агар 2019 йилда давлат ва нодавлат ташкилотларидаги ахборот хизматларининг манбалари – расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги каналлар 559 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу рақам 2410 тага етди. Оммавий ахборот воситалари, жумладан, блогерларнинг танқидий чиқишларига вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали тезкор муносабатлар билдириш амалиёти йўлга қўйилди. Бунинг тасдиғини давлат идоралари томонидан танқидий материалларга жавоб қайтариш кўрсаткичи 2018 йилда 12 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига кўра, қарийб 90 фоизга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда интернет журналистикаси ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Республикада фаолият юритаётган 1893 та оммавий ахборот воситасидан 638 таси ёки 33,7 фоизи интернет нашрлари – веб-сайтлар сифатида рўйхатдан ўтган. Шу ўринда, мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишда барча жараёнлар инсон омилиси, электрон шаклда амалга оширилаётгани бу йўлдаги яна бир муҳим кадам бўлганини қайд этиш зарур.

Соҳада юксак малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети фаолият кўрсатмоқда, шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослиқ университети, Самарқанд давлат чет тиллари институтида ҳам журналистика йўналишини бўйича кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини хорижий давлатларда ошириш ишлари йўлга қўйилди.

Кейинги 5 йилда Ўзбекистонда ОАВни эркинлаштириш жараёндарини кузатиш давомидида ушбу жараёнлар жадаллашганлиги ва ижобий характерга эга бўлаётганлигини кўриш мумкин. Энг аввало, сўз эркинлигини таъминлаш бўйича қўнчилик базаси такомиллаштирилди ва кейинги 5 йилда 12 та қўнун ҳужжатлари, жумладан, 2018 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунига қатор ўзгаришлар киритилди. Шунингдек, 2017 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқаруви янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 2019 йил 2 февралда "Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари қабул қилинди.

Хуллас, ОАВ – бугун халқ овози, тўртинчи ҳокимиятга айланиб бормоқда. Балки ҳали кўп чўққиларга етганимиз йўқдир, лекин силжишларни инкор қилиш мумкин эмас. Инсон ҳуқуқлари соҳасида қилинган ишлар боис халқимиз ўз зуррурини англай бошлады.

Ўзбекистон дунёда обрў орттирди. Бунда ОАВнинг ўрни ниҳоятда катта бўлди. Ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, ахборот хилма-хиллигини барпо этиш ва ривожлантириш – бир томондан инсон ҳуқуқларига оид масала, айни вақтда миллий ҳавфсизликнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотларни ва қонун билан чекланган давлат сири ҳамда бошқа сирларга тааллуқли ахборотларни истихроҷ қилган ҳолда, ҳар кимнинг фикрлари, сўз ва эътиқод эркинлиги кафолатланган. Мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Бу иборалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-ва 12-моддаларига тегишлидир.

Исмоил САИФНАЗАРОВ,  
фалсафа фанлари доктори, ТДПУ профессори

## Таҳлил

## Тадбир

# “Китобхонлик ҳафталиғи” мазмунли ўтмоқда

Данғара туманидаги Ахборот-кутубхона марказида ўтказилган "Китобхонлик ҳафталиғи"нинг очилиш маросимида туман ҳокими Шухратжон Тожихакимов иштирок этиб, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарошини юксалтиришда китобнинг ўрни бекиёс аҳамият касб этишини таъкидлади, барчани ўзинга хос китоб байрами билан табрикледи ҳамда Ахборот-кутубхона марказига китоблар совға қилди.



"Китобхонлик ҳафталиғи" доирасида ўтказилган кўрик-танлов натижасига кўра, "Энг яхши китобхон худуд" номинацияси бўйича "Увайсий" МФЙ, "Энг яхши китобхон маҳалла" номинацияси бўйича "Телиминг" МФЙ, "Энг яхши китобхон таълим муассасаси" номинацияси бўйича 1-ИДУМ жамоаси, "Энг намунали китоб дўкони" номинацияси бўйича "Фарғона китоб ёғдуси" масъулияти чекланган жамияти тақдирланди.



— Китоб — инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти, барча билимлар манбаи, — дейди "Адолат" СДП фаоли, "Фарғона китоб ёғдуси" МЧЖ директори Ориф Улмасов. — Халқимиз азалдан илм-маърифатга интиланган, китоб ўқишга меҳр қўйган. Юртимиздан кўплаб улуғ олимлар, мутафаккирлар етишиб чиққани ҳам бежиз эмас. Мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган II Республика "Китобхонлик ҳафталиғи" доирасидаги тадбирлар ёшлар онгида китобхонлик маданиятини шакллантириш, китобхонларни рағбатлантириш, китобхонликни кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Тадбир давомида Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдуқаҳҳор Қодиров томонидан Ахборот-кутубхона марказига 1000 дан кўпроқ совға қилинди. Китоблар кўргазмаси ташкил этилгани, санъаткорлар ижросидаги янграган куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.



Суратларда: тадбирдан  
лаҳзалар  
Суюнлик МАМИРОВА,  
"Adolat" муҳбири

# САХОВАТ – беназир қадрият

Рамазон – меҳр-оқибат ва саховат ойи. Айниқса, бу ойда кескалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалардан хабар олиш янада савобли.

Андижонлик "адолатчилар" томонидан партиянинг "Саховат – беназир қадрият" лойиҳаси доирасида Андижон шаҳридаги "Бобосадин" маҳалласида ташкил этилган "Адолат билан меҳр улашамиз" акцияси айни шу мақсадга қаратилди. МФЙ фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда "Обиҳаёт" кўчасидаги хайрли юришдан кўпчилик қувонди. Хонадонларда меҳр-оқибат ва инсонийлик мавзусида суҳбатлар ташкил этилди.

Партия сафидаги ёш шифокорлар кескалар саломатлигини ўргандилар. Эътибор ва Рамазон тўғрисида сифатида берилган совғалардан онахонларнинг кўзлари қувонч ёшларига тўлди.

— Кейинги вақтда жамоатчилик билан ишлашда ўзгача йўл тутиляпти, — дейди халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Ўткирбек Арзиқулов. — Бугунги тадбирда бу ўз ифодасини топди. Кўрсатиладиган ёрдам ва саховатнинг манзилли ташкил этилишидан фуқаролар хурсанд. Асосийси уларда давлатимизга, эртанги кунга бўлган ишонч ортмоқда.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Интеллектуал мулк агентлиги огоҳлантиради

КОНТРАФАКТ МАҲСУЛОТЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4965-сон қарорига асосан интеллектуал мулк соҳасида давлат бoshқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва амалга оширилаётган ишларнинг манзиллигини таъминлаш мақсадида агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари ташкил этилган.

Жумладан, 2022 йилнинг биринчи чорагида бозорлар, йирик савдо мажмуалари ва савдо дўконларида контрафакт маҳсулотлар тарқалишининг олдини олиш бўйича 66 та профилактика кузатув тадбирлари ўтказилди. Мазкур профилактика кузатув тадбирлари давомида 1000 дан ортиқ контрафакт маҳсулотлар аниқланди. Жумладан, республикамизда фаолият юритаётган 16601 та дорихоналарнинг деярли барчасида 500 дан ортиқ контрафакт дори воситалари сотилаётгани аниқланди.

Хусусан, иктымий тармоқларда тарқалган "Крафт Фудс Рус" (Россия) масъулиятли чекланган жамиятига тегишли "Alpen Gold" жамлама товар белгилли маҳсулотнинг "Aybon Gold" номли контрафакт нусхаси "М/Е" масъулиятли чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётгани ҳолати бўйича жамият раҳбарини агентликка чақиртирган ҳолда тушунтириш ва огоҳлантириш йўли билан контрафакт маҳсулот ишлаб чиқарилишининг тўхтатилишига эришилди.

Шунингдек, мазкур тадбирлар жараёнида 300 дан ортиқ ишлаб чиқарувчиси номаълум бўлган сохта маҳсулотлар ҳам аниқланди. Жумладан, Германиянинг "Knauf Gips KG" компаниясига тегишли "Knauf" товар белгилли маҳсулотнинг "Knauf" номли контрафакт нусхалари, Германиянинг "Adidas AG" компаниясига тегишли "adidas" товар белгилли маҳсулотнинг "abibas" каби контрафакт нусхалари аниқланиб, ишлаб чиқарувчисини топиш ва чора кўриш учун "хуфёна иқтисодий" шаклланишининг ҳолатларини аниқлаш бўйича чоралар кўриш, яширин ишлаб чиқариш, контрафакт маҳсулотларнинг реализациясига чек қўйиш бўйича ваколатли давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиниятларга қарши курашиш департаментига тақдим этилди.

Бундан ташқари, республикамиз шаҳарларида жойлашган хизмат кўрсатиш объектларида 50 дан ортиқ фирма номлари ва хизмат кўрсатиш белгиларида хуқуқ эгасининг розилигисиз фойдаланаётганлиги ҳолатлари аниқланиб, ташкилот раҳбарларига нисбатан агентлик томонидан интеллектуал мулк соҳасида аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилиб, хизмат кўрсатиш белгилари хизмат кўрсатиш объектлари пештахталаридан олиб ташланди.

Жумладан, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги хизмат кўрсатиш объектларида АҚШнинг "Kentucky Fried Chicken International Holdings LLC" компаниясига тегишли бўлган "KFC" сўз кўринишидаги хизмат кўрсатиш белгисига ўхшаш бўлган "KFC" сўздан, шунингдек, "KNAUF GIPS BUXARA" ХКга тегишли фирма номидан Наманган вилоятида "KNAUF ROTBAND" номли фирма томонидан хуқуқ эгасининг розилигисиз фойдаланиб келинаётганлиги ҳолатлари аниқланиб, тақдимнома киритиш орқали хуқуқбузарликлар бартараф қилинди.

Шу билан бирга, контрафакт маҳсулотларнинг инсонлар соғлиғига жиддий зиён етказиши мумкинлиги, контрафактдан ҳалол тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган тадбиркорларнинг жиддий зиён кўриши, шунингдек, контрафакт маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чоралари тўғрисида марказий бозорлар, савдо мажмуаларида радиоюзеллар орқали доимий равишда савдогар ва харидорларга тушунтириш ишларини олиб бориш йўлга қўйилди.

Апелляция кенгаши томонидан 32 та иш ҳужжатлари кўриб чиқилган. Улардан 28 таси товар белгиси, 1 таси ихтиро, 2 таси саноат намунаси ва 1 таси фойдали модель бўйича апелляция ишларидир. Бу эса, ўз навбатида интеллектуал мулк ҳуқуқининг нуфузи ва хуқуқ эгаларининг хуқуқий онги ошаётганидан далолат беради.

